

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ АРХЕОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАРДА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛИШИ (МАЙКЛ ФРАЧЕТТИ ИЛМИЙ ИШЛАРИ МИСОЛИДА)

Равшанбек Тожибоев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Миллий археология маркази

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12754507>

Марказий Осиё археологияси бўйича хорижлик тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар ва уларда қўлланган замонавий археологик методика бугунги кунда ҳудуд тарихини янгича ёндашув асосида ўрганишга имкон яратди. Классик археологияда амалда бўлган изланишлардан фарқли равишда замонавий тадқиқотларда хорижлик археологлар томонидан кўпроқ урғу археологияда нисбатан замонавий йўналишлар бўлмиш палеоботаника, зооархеология, қадимги инсонлар геномлари (ДНК) таҳлиллари, барқарор изотоплар анализи, органик қолдиқларни ўрганиш, ландшафт-археологик таҳлил, геофизик таҳлил, биомолекуляр ва радиоуглерод таҳлиллари каби услублардан фойдаланишга қаратилиши археологик қазималар ва уларда аниқланадиган топилмаларни таҳлил қилиш жараёнларини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ўзгаришлар эса ўз навбатида археология тарихшунослиги йўналиши учун тадқиқот объекти бўлишга арзийди.

Мазкур тадқиқот ишида Марказий Осиё археологияси бўйича 2000 йиллардан то ҳозирги кунгача амалга оширилган тадқиқотлар акс этган илмий асарларини тарихшунослик нуқтайи назаридан таҳлил қилиш мақсад қилинган.

Марказий Осиё археологияси билан ўз замонавий тадқиқот услублари воситасида шуғулланиб келаётган олимлардан бири АҚШ даги Сент-Луис шаҳрида жойлашган Вашингтон университетининг антропология кафедраси мутахассиси Майкл Фрачетти ҳисобланади. Олимнинг мазкур йўналиш бўйича эълон қилган юздан ортиқ илмий ишларида асосий урғу археология назарияси, тарих олди даври ва бронза даври археологияси, ландшафт археологияси, атроф-муҳит археологияси (палеоэкология), маданий экология ва маданий антропология каби йўналишларга қаратилган.

Олимнинг бошқа тадқиқотчилар билан ҳаммуаллифликда таниқли Nature журналида эълон қилган мақоласида<sup>1</sup> қадимги Марказий Осиё хўжалигида жўжалар етиштирилганлиги омили археологик ва биомолекуляр таҳлиллар воситасида ўз исботини топган. Ушбу изланишгача Евроосиёдаги қадимги инсонлар жамоалари томонидан хонакилаштирилган жонзотлар қаторида товуқ ҳам бўлганлиги ёки йўқлиги масаласи очиқ бўлиб, бу масаланинг жавобсизлиги топилмалар етишмаслиги ёки борларининг ҳам ёмон сақланганлиги билан изоҳланар эди. Ушбу тадқиқот иштирокчилари ўз изланишлари жараёнида умумий даврий қамрови 1.5 минг йиллик 12 та археологик макондан кўплаб товуқ тухуми пўчоқларини аниқлаганлар ва бу омил уларга жанубий Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси озуқавий рационидан милоддан

<sup>1</sup> Carli Peters 1, Kristine K. Richter<sup>2</sup>, Shevan Wilkin 1,3, Sören Stark<sup>4</sup>, Basira Mir-Makhamad<sup>1,5</sup>, Ricardo Fernandes<sup>1,6,7,8</sup>, Farhod Maksudov<sup>9</sup>, Sirojiddin Mirzaakhmedov<sup>10</sup>, Husniddin Rahmonov<sup>10</sup>, Stefanie Schirmer<sup>1,5</sup>, Kseniia Ashastina<sup>1,5</sup>, Alisher Begmatov<sup>11,12,13</sup>, Michael Frachetti 14,15, Sharof Kurbanov<sup>16</sup>, Michael Shenkar<sup>17,18</sup>, Taylor Hermes 19,20, Fiona Kidd<sup>21</sup>, Andrey Omelchenko<sup>22</sup>, Barbara Huber 1,23,24, Nicole Boivin 1,25,26, Shujing Wang<sup>27</sup>, Pavel Lurje 22, Madelynn von Baeyer 1,5, Rita Dal Martello<sup>1,5</sup> & Robert N. Spengler III 1,5. *Archaeological and molecular evidence for ancient chickens in Central Asia*. – Nature communications: 2024.

аввалги IV асрдан бошлаб кейинги ўрта асрлар даврида ҳам жўжа бўлганлиги ва товуқлар ўзларининг мавсумий тухум қўйиш хусусиятларини шу даврларда йўқотган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келишга имкон берди.

Фрачетти ва бошқа тадқиқотчилар жамоаси томонидан эълон қилинган бошқа бир мақолада Тошбулоқ археологик маконига қарашли VIII асрга оид қабристонда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра Ўрта Осиёнинг тоғ кўчманчилари илк ислом даврида қандай турдаги жамоат тартиби ва диний қарашларга эга бўлганликлари геофизик (AMS даврлаштириш услуги) таҳлиллар асосида кўриб чиқилган.<sup>2</sup> Бу тадқиқотгача Марказий Осиёдаги дастлабки ислом жамиятлари археологик жиҳатдан паст текисликлардаги шаҳар аҳолиси мисолида ўрганилган бўлса, изланувчилар жамоаси VIII аср ўрталаридаги дастлабки кўчманчи исломий жамоага тегишли қабристонлардан бирини аниқладилар ва хужжатлаштирдилар. Тошбулоқ қабристонидagi қабрлар ислом анъаналарига мос эканлиги ислом чоғининг дастлабки палласида дин тоғ кўчманчилари орасида ўта секинлик билан тарқаганлиги ҳақидаги нарративни шубҳа остига қўйди ва дастлабки ислом жамоаларини ўрганишда археологик тадқиқотларнинг устувор ўрнини кўрсатиб берди.

Хитойлик тадқиқотчилар ва Фрачетти жамоаси ҳамкорлигида амалга оширилган яна бир тадқиқот Фарбий Ўрта Осиёдаги Мохучаҳангоукоу-4 (МГК-4) археологик ёдгорлиги (милодий 1 мингйиллик) ни ўрганиш асосида юзага келган бўлиб, унга кўра Хитой Шарқий Туркистонидagi қадимги ирригация тармоқлари ёки маҳаллий даражада риволангани ёки Фарбий Ўрта Осиёдан ҳам ғарброқдаги ўлкалардан ўзлаштирилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулосага келинди ва ушбу тармоқлар ички Хитойдан келган деҳқонлар томонидан яратилганлиги ҳақидаги концепцияни рад этишга имкон берди.<sup>3</sup> Гидравлик моделлаштириш услуги асосида амалга оширилган тадқиқот шуни англатидики, мазкур ҳудуддаги зироатчи-чорвадорлар ўз минтақаларида етарли миқдорда экинлар етиштириш ва бу орқали Буюк Ипак Йўлидаги қитъалараро савдо муносабатларида муҳим ўрин тутиш имконига эга бўлганликларини кўрсатади.

Фрачеттига тегишли навбатдаги илмий иш ҳозирги Қозоғистон ҳудудида бронза ва темир даврларидаги мавсумий кўчманчилик моделларини цемент анализи асосида таҳлил қилади.<sup>4</sup> Унда ҳозирги Қозоғистон жануби-шарқидagi бронза ва темир даврларига оид икки археологик маконнинг мавсумий фойдаланишда бўлганлиги тўғрисида сўз юритилади. Улардан бири Бегаш аввалдан қишки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топилган Тасбас эса ёзги қароргоҳ сифатида билинган. Бироқ икки манзилгоҳдан олиб ўрганилган 29 тадан эчки тишлари таҳлили шуни кўрсатганки, инсон жамоалари Бегашда қишдан ташқари вақтларда ҳам, Тасбасда эса йил мобайнида яшаган бўлишлари мумкин. Бу омил қадимги кўчманчи чорвадорларнинг кўчиш мавсумлари содда циклга асосланмаганлиги ва хилма-хил бўлганлигини

<sup>2</sup> Elissa Bullion, Farhod Maksudov, Edward Henry, Ann Merkle and Michael D. Frachetti. *Community practice and religion at an Early Islamic cemetery in highland Central Asia*. – Cambridge University Press: 2022.

<sup>3</sup> Yuqi Li, Michael J. Storzum, Xin Jia, Xin Wang, Michael D. Frachetti. *Reconceptualizing water history of Chinese Central Asia: Hydraulic modeling of the early 1<sup>st</sup> millennium AD irrigation system at Mohuchahangoukou-4 (MGK-4), Xinjiang, China*. – *Journal of Archaeological Science*: 2020.

<sup>4</sup> Tekla M. Schmaus, Puala N. Doumani Dopuy and Michael Frachetti. *Variability in seasonal mobility patterns in Bronze and Iron Age Kazakhstan through cementum analysis*. – *Quaternary International*: 2019.

кўрсатди. Қолаверса, ушбу тадқиқот ўз натижалари билан кўчманчи чорвадорлар иқтисодиётига таъсир қилган қайси омиллар уларнинг бронза ва темир даврларида бошқа маконларга кўчишларига олиб келганлиги ва кўчиш мавсумларидаги хилма-хиллик уларнинг ижтимоий тузилмалари ва халқлараро муносабатларига қай даражада таъсир кўрсатганлиги каби бошқа саволларни ҳам келтириб чиқарди.

### References:

1. Carli Peters 1, Kristine K. Richter<sup>2</sup>, ShevanWilkin 1,3, Sören Stark<sup>4</sup>, Basira Mir-Makhamad<sup>1,5</sup>, Ricardo Fernandes<sup>1,6,7,8</sup>, Farhod Maksudov<sup>9</sup>, Sirojiddin Mirzaakhmedov<sup>10</sup>, Husniddin Rahmonov<sup>10</sup>, Stefanie Schirmer<sup>1,5</sup>, Kseniia Ashastina<sup>1,5</sup>, Alisher Begmatov<sup>11,12,13</sup>, Michael Frachetti 14,15, Sharof Kurbanov<sup>16</sup>, Michael Shenkar<sup>17,18</sup>, Taylor Hermes 19,20, Fiona Kidd<sup>21</sup>, Andrey Omelchenko<sup>22</sup>, Barbara Huber 1,23,24, Nicole Boivin 1,25,26, ShujingWang<sup>27</sup>, Pavel Lurje 22, Madelynn von Baeyer 1,5, RitaDalMartello<sup>1,5</sup> & Robert N. Spengler III 1,5. *Archaeological and molecular evidence for ancient chickens in Central Asia*. – Nature communications: 2024.
2. Elissa Bullion, Farhod Maksudov, Edward Henry, Ann Merkle and Michael D. Frachetti. *Community practice and religion at an Early Islamic cemetery in highland Central Asia*. – Cambridge University Press: 2022.
3. Yuqi Li, Michael J. Storozum, Xin Jia, Xin Wang, Michael D. Frachetti. *Reconceptualizing water history of Chinese Central Asia: Hydraulic modeling of the early 1<sup>st</sup> millennium AD irrigation system at Mohuchahangoukou-4 (MGK-4), Xinjiang, China*. – Journal of Archaeological Science: 2020.
4. Tekla M. Schmaus, Puala N. Doumani Dopuy and Michael Frachetti. *Variability in seasonal mobility patterns in Bronze and Iron Age Kazakhstan through cementum analysis*. – Quaternary International: 2019.